O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 22 - iyul 370-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

Шароф Рашидов туманидаги бўш турган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасини туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобига олиш ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 709-сонли қарори талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 45^{1}-моддаси ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6- ва 25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шароф Рашидов тумани ҳокимлиги, Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси ҳамда вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг таклифларига асосан Шароф Рашидов туманидаги бўш турган ва захирадаги 234,9 гектар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаси **иловага** асосан туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобига олинсин ва давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилсин.

2. Шароф Рашидов тумани ҳокимлиги (**М.Холбўтаев**) **икки кун муддатда** захирадаги қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобига олинган ер майдонини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармасига буюртманома тақдим этсин, бунда ер участкасининг кадастр йиғма жилдини (паспортини) тайёрлаш ва

давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилсин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**) **уч кун муддатда** туман ҳокимлигининг буюртманомаси асосида ҳокимлик захирасидаги қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобига олинган ер майдонини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказсин.

4. “Ўздаверлойиҳа” илмий-лойиҳалаш институти “Жизвилерлойиҳа” бўлинмаси (**Қ.Холмуродов**), Шароф Рашидов тумани ҳокимлиги (**М.Холбўтаев**) билан биргаликда **беш кун муддатда** мазкур ер участкаларида деҳқон хўжалиги ёки бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ташкил этиш бўйича ер тузиш лойиҳаларини ишлаб чиқсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари О.Ашурматов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**

Jizzax viloyat hokimining
2022 yil 22 iyuldagi
370-3-0-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Ер участкаларини туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалиги ерлари ҳисобига олиш ва давлат мулки сифатида давлат руйхатидан ўтказиладиган ер майдонлари

№	Ҳудуд номи	Контур рақами	Қишлоқ хўжалигидаги захира майдони, га	Шундан											
				Экин ерлари			Кўп йиллик дарахтзорлар					Пичанзор	Бўз ерлар	Яйлов	Бошқа ерлар
				Жами	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан							
					сувли	лалми		Боғзорлар	Узумзорлар	Тутзорлар	Бошқа мевали дарахтзорлар				
1	*2*	*5*	*6*	*7*	*8*	*9*	*11*	*12*	*13*	*14*	*15*	*16*	*17*		*18*
	Шароф Рашидов														
1	**Учтепа ФҲҲУ**														
		2207ч	0,9	0,9	0,9										
	Жами:		**0,9**	**0,9**	**0,9**										
2	**Меҳнатобод ФҲҲУ**														
		2131ч	0,4	0,4	0,4										
	Жами:		**0,4**	**0,4**	**0,4**										
3	**Янги ҳаёт ФҲҲУ**														
		50ч	100,0											100,0	
		214ч, 216ч	8,0											8,0	
	Жами:		**108,0**											**108,0**	
4	**Олтинсой ФҲҲУ**														
		2726-2729ч	19,5	19,5	19,5										
		2700ч	5,0											5,0	
		2679-2681ч	21,0	21,0	21,0										
	Жами:		**45,5**	**40,5**	**40,5**									**5,0**	
5	**Самарқандқудуқ ФҲҲУ**														
		1830ч	9,4	8,5	8,5										0,9
	Жами:		**9,4**	**8,5**	**8,5**										**0,9**
6	**Равот ФҲҲУ**														

		5853ч	2,2	2,2		2,2									
		5599ч	12,4	12,4		12,4									
		5557ч	10,0	10,0		10,0									
		5681ч	3,0	3,0		3,0									
		6321	10,4	10,4		10,4									
		6311	16,0	16,0		16,0									
		6325	5,0	5,0		5,0									
		6326	4,3	4,3		4,3									
		5735	1,3	1,3		1,3									
		5746ч	0,5	0,5		0,5									
		5684ч	2,1	2,1		2,1									
		5605ч	0,7	0,7		0,7									
		5542ч	2,1	2,1		2,1									
		6032ч	0,7	0,7		0,7									
	Жами:		**70,7**	**70,7**		**70,7**									
	Туман бўйича:		**234,9**	**121,0**	**50,3**	**70,7**								**113,0**	**0,9**